

## Виртуал касса тизимига сервис хизмати кўрсатиш тўғрисида TS2025 сонли оммавий оферта

Тошкент шаҳри

25.12.2025й

“**JOHA POS SERVICE**” МЧЖ (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб аталади) номидан Уставга асосан ҳаракат қилувчи корхона директори Ж.Закиров, бир томондан, ҳамда масъуляти чекланган жамия ёки хусусий корхона ёки якка тартибдаги тадбиркор (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб аталади) иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб аталувчилар, ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### I. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ТУШУНЧАЛАР

1.1. Ушбу шартномада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**виртуал касса** –фискал модулга боғланиш имкониятига эга бўлган, фискал ҳужжатларни ҳосил қилувчи ва ҳосил қилинган фискал ҳужжатларни фискал маълумотлар операторига реал вақт режимда узатишни таъминловчи, чекларни қоғозга чоп этиш ёки уларни электрон шаклда юбориш функциясига эга бўлган дастурий маҳсулот ва уларнинг комплекслари;

**фискал маълумотлар оператори** (кейинги ўринларда “Оператор”деб аталади)– онлайн режимда фискал маълумотларни мустақил ва доимий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш ва сақлаш ишларини бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги “Янги технологиялар” илмий-ахборот маркази АЖ;

**фискал модуль**–оператор томонидан ишлаб чиқилган, махсус химояланган дастурий таъминотга эга бўлган, ўзи уланган қурилманинг ҳисоблаш қуввати ва дастурий маҳсулотини ишлатмаган ҳолда фискал маълумотларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда миллий стандартлар асосида криптографик химоясини таъминловчи фискал хотира вазифасини бажарувчи ихтисослаштирилган физик қурилма;

**техник хизмат кўрсатиш маркази**-(кейинги ўринларда “ТХКМ” деб аталади) –Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 ноябрдаги 943-сон қарори (кейинги ўринларда “Қарор” деб аталади) талаблари асосида “**JOHA POS SERVICE** ” МЧЖ томонидан ишлаб чиқилган TS POS (1.0.1) виртуал касса тизимига узлуксиз сервис хизмати кўрсатувчи, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Давлат реестрига киритилган, мазкур шартнома бўйича “Ижрочи”;

**фойдаланувчи** - сотилган товарлар (бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар) учун аҳоли билан пулли ҳисоб китобларни амалга оширишда виртуал кассадан фойдаланадиган тадбиркорлик субъекти, мазкур шартнома бўйича “Буюртмачи”;

### II. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1 Ижрочи Буюртмачининг топшириғига мувофиқ мазкур шартнома шартлари ва Қарорда назарда тутилган талаблар доирасида виртуал касса тизимига узлуксиз сервис хизматлари кўрсатишни амалга оширади (кейинги ўринларда “Хизматлар” деб аталади), Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳақ тўлаш ва уларни қабул қилиб олиш мажбуриятини олади.

2.2 Мазкур шартнома доирасида Ижрочи томонидан қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

2.2.1 фискал модулни виртуал кассага ўрнатиб, ишчи ҳолатга келтириб бериш;

2.2.2 виртуал кассани техник ва дастурий кўрикдан ўтказиб бориш;

2.2.3. виртуал кассадан тўғри фойдаланиш бўйича тегишли кўрсатма ва маслаҳатлар бериб бориш;

2.2.4. белгиланган тартибда виртуал кассани давлат солиқ хизмати органида рўйхатга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш.

Шунингдек, фойдаланувчи жойлашган манзилга борган ҳолда хизмат кўрсатиш қўшимча ҳақ эвазига тарафларнинг келишуви асосида амалга оширилади.

### III. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Ижрочининг мажбуриятлари:

3.1.1. Хизматларни лозим даражада сифатли кўрсатиш;

3.1.2. Хизматларни тўлиқ миқдорда ушбу шартномада белгиланган муддатларда кўрсатиш;

3.1.4. Буюртмачи томонидан тақдим этилган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

3.2. Ижрочининг ҳуқуқлари:

3.2.1. Ушбу шартнома бўйича тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда Ижрочи Хизматларни вақтинча тўхтатиб туриш ёки Хизматлар кўрсатишдан бош тортиш.

3.2.2. Виртуал кассани давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги ҳолларда рад этиш:

виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар Буюртмачи томонидан тўлиқ тақдим этилмаганда;

тақдим этган маълумотларда номуносибликлар аниқланиб, улар тасдиқланганда;

бунда, Буюртмачидан Қарор билан тасдиқланган Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилинишига йўл қўйилмайди.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Хизматлар учун ҳисоб-китоб ва тўловларни ушбу шартномада назарда тутилган шартларда амалга ошириш, кўрсатилган хизматлар тўғрисидаги далолатнома имзолаш;

3.3.2. Фискал модуль хавфсизлигини таъминлаш;

3.3.3. Буюртмачи виртуал касса фискал модулини ўрнатиш учун дастурий маҳсул талабларига ва техник талабларга жавоб берадиган компьютер техника воситалари билан таъминлаш;

3.3.3. Фискал модуль Буюртмачи айби билан яроқсиз ҳолга келтирилганда бошқа янги фискал модуль билан таъминлаш харажатларини қоплаш;

3.3.4. ТХКМ томонидан захирадаги фискал модуль ўрнатилгунга қадар харидорлар билан пуллик ҳисоб-китобларни, давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўтказилган, Қарорда белгиланган тартибда махсус квитанция дафтари асосида амалга ошириш;

3.3.5. Буюртмачи фаолияти тугатилган, шунингдек, фискал модуль яроқсиз ҳолатга келган, амал қилиш муддати тугаган, хотираси маълумотлар билан тўлган, ёхуд бошқа кўзда тутилмаган ҳолларда ушбу фискал модульлар ТХКМга қайтариш;

3.3.6. Виртуал касса учун иш жойларини амалдаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ жиҳозлаш, ходимларни виртуал кассада ишлаганга ўргатишни таъминлаш.

3.4. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

3.4.1. Виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш рад этилган ҳолларда Буюртмачи камчиликларни бартараф этган ҳолда, такроран рўйхатдан ўтказиш учун мурожаат қилиш;

3.4.2. Виртуал кассани қўллаш жараёнида маълумотларни Операторга реал вақт режимида етказиб беришнинг техник имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, шу жумладан, Интернет тармоғидаги вақтинча узилишлар бўлганда харидорларга (мижозларга) амалга оширилган харид учун чеклар оффлайн режимида берилиши мумкин. Бунда биринчи оффлайн режимда шаклланган чекни 24 соат ичида Операторга узатилиши таъминлаш зарур.

#### **IV. ШАРТНОМА НАРХИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ ВА ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ.**

4.1. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб китоблар куйидаги тартибда амалга оширилади:

4.1.1. Хизматларнинг умумий қиймати ва ҳар бир хизмат тури учун аниқ нархлар (Прайс-лист) бевосита Ижрочининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади. Ушбу Прайс-лист мазкур шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4.2. Ижрочи хизматлар нархини (Прайс-листни) бир томонлама тартибда, олдиндан хабардор қилган ҳолда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Янги нархлар веб-сайтда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

4.3. Буюртмачи тўловни амалга оширишдан олдин амалдаги Прайс-лист билан мустақил равишда танишиб чиқиши шарт. Тўловни амалга ошириш мижоз томонидан белгиланган нархларга розилик (акцепт) берилганини англатади.

4.4. Буюртмачи томонидан бажарилган Хизматларга ҳақ тўланиши пул маблағларини Ижрочининг ушбу шартномада кўрсатилган ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

#### **V. ХИЗМАТЛАРНИ КўРСАТИШ ТАРТИБИ ВА МУДАТЛАРИ**

Кўрсатиладиган хизматлар куйидагича амалга оширилади:

5.1. Буюртмачи хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлди;

5.2. Буюртмачи виртуал кассани давлат солиқ хизмати органларидан рўйхатдан ўтказиш учун ТХКМ ёки унинг худудий филиалларига электрон ёки ёзма равишда ариза билан мурожаат қилади;

5.3. Ижрочи махсус дастурий маҳсулот ўрнатилган фискал модулни топшириш қабул қилиш далолатномаси орқали Буюртмачига фойдаланиш учун беради;

5.4. ТХКМ уч иш куни ичида фискал модуль ўрнатилган ва ишчи ҳолатга келтирилган виртуал кассани Буюртмачига тақдим этади;

5.5. Буюртмачи Виртуал кассадан фойдаланиш жараёнида носозлик юзага келган ҳолларда, бу ҳақда ТХКМнинг "Call-маркази"га кўнғироқ ёки расмий сайти орқали мурожаат қилиб хабардор қилади;

5.6. Фискал модуль йўқотилган ҳолларда бир иш кунидан кечикмай ТХКМга хабар беради;

5.7. Буюртмачи фаолиятини тўхтатганда, фискал модуль яроқсиз ҳолатга келганда, амал қилиш муддати тугаганда, хотираси маълумотлар билан тўлган ҳолатларда ТХКМга ариза бидан мурожаат қилади;

5.8. ТХКМ маълумот тушган вақтдан бошлаб бир соат ичида турғун савдо (хизмат кўрсатиш) шаҳобчаси жойлашган манзил бўйича давлат солиқ хизмати органини хабардор қилади;

5.9. ТХКМ томонидан виртуал касса носозлиги даврида, амал қилиш муддати тугаганда ва хотираси маълумотлар билан тўлган ҳолатларда Буюртмачининг савдо ёки хизмат кўрсатиш шаҳобчасига бир кун ичида захирадаги фискал модуль ўрнатиб берилади;

5.10. Буюртмачи виртуал касса рўйхатга қўйилган тургун шаҳобча манзили ўзгарган ҳолларда 3 (уч) иш кунида виртуал кассани рўйхатдан ўтказиш маълумотларига тегишли ўзгартиришларни киритиш учун ТХКМга бевосита ташриф буюрган ҳолда ёки электрон тарзда янги манзил бўйича тургун шаҳобча мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар нусхалари билан бирга ариза тақдим қилади;

5.11. Фискал модуль белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан вақтинча олиб қўйилганда, эксперт хулосаси олингунга ва масала мазмунан кўриб чиқилгунга қадар ТХКМ томонидан рўйхатдан ўтказилган бошқа захирадаги фискал модуль билан таъминланади;

5.12. ТХКМ Буюртмачининг фаолияти тугатилганда, ТХКМдан фойдаланишдан воз кечганда белгиланган тартибда бир иш куни давомида виртуал кассани давлат солиқ хизмати органидан рўйхатдан чиқаради.

## VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

6.2. Ушбу шартнома бўйича тўловлар ўз вақтида тўланмаган тақдирда Ижрочи томонидан виртуал касса хизматини вақтинча тўхтатиб қўйилади.

## VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Ушбу шартномани бажариш чоғида юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни музокаралар йўли билан ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда Тарафлар келишмовчиликларни судгача тартибга солишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиботини амалга оширганларидан сўнг уларни кўриб чиқиш учун Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилинади.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

8.1.1. Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаларига мувофиқ расмий оммавий оферта (публик оферта) ҳисобланади. Ушбу шартномада кўрсатилган шартлар асосида хизматлардан фойдаланган ёки товарларни сотиб олган ҳар қандай шахс (Ижрочи/Сотувчи) билан шартнома тузган ҳисобланади. Шартнома шартларини қабул қилиш (акцепт) Фуқаролик кодексининг 370-моддасига асосан амалга оширилади.

8.1.2. Ижрочи мазкур оммавий оферта шартларига (шу жумладан, хизмат кўрсатиш қоидалари, нархлар ва бошқа бандларга) бир томонлама тартибда ўзгартириш ва қўшимчлар киритиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

8.1.3. Ўзгартиришлар кучга киришидан камида 10 календарь кун олдин Ижрочи ўзининг расмий веб-сайтида янгиланган шартнома матнини ёки ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотни эълон қилиши шарт.

8.1.4. Агар Буюртмачи ўзгартиришлар эълон қилингандан сўнг хизматлардан фойдаланишни давом эттирса ёки янги тўловни амалга оширса, бу унинг янги шартларни тўлиқ қабул қилганини (акцепт) аниқлатади.

8.1.5. Агар Буюртмачи киритилган ўзгартиришларга рози бўлмаса, у хизматлардан фойдаланишни тўхтатиш ва шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

8.2. Виртуал кассани сақлаш ёки фойдаланиш қоидаларининг Буюртмачининг айби билан бузилиши, фискал модуль бузилиши, шунингдек шартнома шартларини бажарилмаган тақдирда, Ижрочи томонидан шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкин. Шу билан бирга, ушбу шартнома бўйича Ижрочининг ҳисоб рақамида қолган маблағлар қайтарилмайди.

8.3. Шартнома Буюртмачининг ташаббуси билан бекор қилинганда, жорий тўланган давр учун пул қайтарилмайди. Шартномани бекор қилиш тўғрисида Буюртмачидан хабарнома Ижрочига камида 10 кун олдин ёзма равишда ёки электрон ҳужжат кўринишида тақдим этилиши керак.

## IX. ЮРИДИК МАНЗИЛ ВА БОШҚА РЕКВИЗИТЛАРИ

### “JOHA POS SERVICE” МЧЖ

Шайхонтохур тумани, Шодлик мфй, Ибн Сино кўчаси, 11-уй, 45-хонадон

Х/Р: 2020 8000 1072 2259 9001 АИКБ "Ипак йўли" "Сабоан" филиали, банк коди: 01036

СТИР: 312028305

Веб-сайт: [www.tspos.uz](http://www.tspos.uz)

